**«ТАСДИҚЛАНГАН»**
**«Hamkorbank» АТБ**
**2019 йил 15 июндаги**
**Акциядорлар умумий**
**йигилиши томонидан**

**Банк Кенгаши Раиси**

**______________И.И.Ибрагимов**

# ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ “HAMKORBANK” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ” КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

<table>
<tr><th>№</th><th>Амалдаги таҳрир</th><th>Янги таҳрир</th></tr>
<tr><td>1.</td><td>12-банд:<br><br>Банк Кенгаши ўз таркибидан Қўмиталар – Банк Кенгашининг Банкни муваффақиятли ривожлантириш учун энг муҳим соҳалардаги алоҳида аҳамиятга эга бошқарув ва назорат функцияларини самарали амалга оширишини таъминлайдиган ёрдамчи органларни сайлайди. Банк Кенгаши Қўмиталари ўз ваколатлари доирасида Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, менежменти, тузилма бўлинмаларининг ходимлари, аудиторлари ва Банк фаолиятидан манфаатдор бўлган бошқа шахслар билан узвий алоқада бўлади. Банк Кенгаши қуйидаги қўмиталарни ташкил қилади:<ul><li>Стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва хатарларни бошқариш қўмитаси;</li><li>Аудиторлик қўмитаси;</li><li>Хатарлар бўйича қўмита;</li><li>Корпоратив бошқарув, тайинлашлар ва мукофотлар бўйича қўмита;</li><li>Зиддиятларни бартараф этиш қўмитаси;</li><li>Заруriят туғилган ҳолда Банк Кенгаши ташкил этиш мумкин деб ҳисоблайдиган бошқа қўмиталар.</li></ul></td><td>Янги 12-хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:<br><br>Банк Кенгаши ўз таркибидан Қўмиталар – Банк Кенгашининг Банкни муваффақиятли ривожлантириш учун энг муҳим соҳалардаги алоҳида аҳамиятга эга бошқарув ва назорат функцияларини самарали амалга оширишини таъминлайдиган ёрдамчи органларни сайлайди. Банк Кенгаши Қўмиталари ўз ваколатлари доирасида Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, менежменти, тузилма бўлинмаларининг ходимлари, аудиторлари ва Банк фаолиятидан манфаатдор бўлган бошқа шахслар билан узвий алоқада бўлади. Банк Кенгаши қуйидаги қўмиталарни ташкил қилади:<ul><li>стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва корпоратив бошқарув қўмитаси;</li><li>аудит қўмитаси;</li><li>хатарлар бўйича қўмита;</li><li>тайинлашлар ва мукофотлар бўйича қўмита;</li><li>зарурият туғилган ҳолда Банк Кенгаши ташкил этиш мумкин деб ҳисоблайдиган бошқа қўмиталар.</li></ul></td></tr>
<tr><td>2.</td><td>38-банд:<br><br>Банк Кенгаши ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун доимий ишлайдиган қўмиталар ташкил этиш ҳуқуқига эга:<ul><li>Стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва хатарларни бошқариш қўмитаси;</li><li>Аудиторлик қўмитаси</li><li>Хатарлар бўйича қўмита;</li><li>Корпоратив бошқарув, тайинлашлар ва мукофотлар бўйича қўмита;</li><li>Зиддиятларни бартараф этиш бўйича қўмита;</li></ul>Банк Кенгаши зарурият туғилганида ташкил этиш мумкин деб ҳисоблайдиган бошқа қўмиталар.</td><td>Янги таҳрирдаги 38-банд қуйидагича ўқилиши зарур:<br><br>Банк Кенгаши ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун доимий ишлайдиган қўмиталар ташкил этиш ҳуқуқига эга:<ul><li>стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва корпоратив бошқарув қўмитаси;</li><li>аудит қўмитаси</li><li>хатарлар бўйича қўмита;</li><li>тайинлашлар ва мукофотлар бўйича қўмита;</li></ul>Банк Кенгаши зарурият туғилганида ташкил этиш мумкин деб ҳисоблайдиган бошқа қўмиталар.</td></tr>
</table>